

**АЛИШЕР НАВОЙИ НОМИДАГИ ЎЗБЕКИСТОН
МИЛЛИЙ КУТУБХОНАСИ**

**ТАРАҚҚИЁТ ВА
ФАРОВОНЛИК САРИ**

Тошкент-2009

**АЛИШЕР НАВОЙ НОМИДАГИ ЎЗБЕКИСТОН
МИЛЛИЙ КУТУБХОНАСИ**

**ТАРАҚҚИЁТ ВА
ФАРОВОНЛИК САРИ**

Методик-библиографик қўлланма

Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон
Миллий кутубхонаси нашриёти

Тошкент-2009

78.342 (5Ў)

T 23

Илмий-методика бўлими томонидан тайёрланди

Тузувчи	Н.Алаутдинова
Мухаррир	Шукур Қурбон
Масъул муҳаррир	Ж.Пардаев
Матн терувчи	З.Жалилова

Тараққиёт ва фаровонлик сари: Метод.-библиогр. қўлл.
/ Алишер Навоий ном. Ўзбекистон Миллий к-наси; Тузувчи
Н.Алаутдинова; Мухаррир Шукур Қурбон; Масъул
муҳаррир Ж. Пардаев. -Т.: Алишер Навоий ном.
Ўзбекистон Миллий к-наси нашриёти, 2009.—24 б.

КБК 78.342 (5Ў) + 66.3(5Ў) + 65.32(5Ў)

Юртбошимиз 2009 йилни — “Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили” деб эълон қилди. Бу барча ватандошларимизни, хусусан қишлоқ аҳолисини ниҳоятда тўлқинлантириб юборди.

Мазкур қўлланмадан “Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили” Давлат дастурининг мазмун-моҳияти, қишлоқлар ҳақида маълумотлар жой олган, шунингдек, АРМ, АКМ ва кутубхоналарда ўтказилиши мумкин бўлган тадбирлар туркуми ҳамда адабиётлар рўйхати берилган.

Қўлланма кутубхоначилик соҳасидаги мутахассисларга мўлжалланган бўлиб, ундан ушбу соҳага қизиқувчи китобхонлар ҳам фойдаланишлари мумкин.

СЎЗ БОШИ

Президентимиз Ислом Каримов Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг 16 йиллигига бағишланган тантанада 2009 йилни — “Қишлоқ таракқиёти ва фаровонлиги йили” деб эълон қилди.

Бугунги кунда халқимизнинг аксарият қисмини, яъни 50 фоиздан кўпроғини қишлоқ аҳолиси ташкил этади. Юртимизнинг янада обод, халқимиз ҳаётининг янада фаровон бўлиши ва олдимизда турган юксак вазифаларнинг бажарилиши, шубҳасиз, қишлоқларимизнинг тақдири ва келажаги билан чамбарчас боғлиқдир.

Дарахтнинг илдизи бақувват бўлса, ривожини ҳам, меvasи ҳам яхши бўлади. Ҳаёт, эл-юрт турмуши равнақи кўп жиҳатдан қишлоқ билан, қишлоқ хўжалиги билан боғлиқ. Ризқ-рўзимиз - нонимиз, озиқ-овқатимиз, энг аввало, қишлоқда яратилади. Демак, республикамиз иқтисодиётининг ривожланиши бевосита қишлоқ таракқиётига боғланади.

Мустақилликнинг илк йиллариданоқ қишлоқ аҳлининг турмуш даражасини оширишга, қишлоқлар ободлигига эътибор қаратилиб келинаётди. Аҳолига томорқа ажратилиши, чорвачиликни ривожлантириш ва ернинг эгасига топширилиши ўзининг ижобий натижаларини бермоқда. Қишлоқларимизда шаҳарлардагидан қолишмайдиган замонавий академик лицей ва касб-хунар коллежлари, мактаблар, спорт мажмуалари, тиббиёт муассасалари фаолият олиб бормоқда.

Демак, янги йилдан эътиборан мамлакат таракқиётига хизмат қилаётган қишлоқ аҳлининг фаровонлигини ошириш тадбирлари миқёси ўсади.

АРМ, АКМ ва кутубхоналар ҳам, ўз навбатида, ҳозирги кунда қишлоқлардаги ўзгаришлар, амалга оширилаётган туб ислохотлардан китобхонларни хабардор этиш мақсадида турли тадбирларни уюштириши мумкин.

Тадбирларни Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги мутахассислари, Ўрта-махсус, касб-хунар коллежларининг, ОЎЮ нинг қишлоқ хўжалиги йўналиши бўйича таълим олаётган

талабалари, фермерлар, журналистлар билан ҳамкорликда ўтказиш тавсия этилади.

ТАРАҚҚИЁТ ВА ФАРОВОНЛИК ДАСТУРИ

Президент Ислам Каримовнинг шу йил 26 январдаги қарорига мувофиқ “Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили” Давлат дастури тасдиқланди.

Юртимизда 2009 йил “Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили” деб эълон қилинган муносабати билан амалга жорий этилаётган ушбу дастурдан кўзланган мақсад, қарорда қайд этилганидек, қишлоқнинг ишлаб чиқариш ва ижтимоий инфратузилмасини янада ривожлантириш, иқтисодиётнинг аграр сектори самарадорлигини ошириш, қишлоқ хўжалигида иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш ишига янги қудратли туртки бериш, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини чуқур қайта ишлайдиган замонавий корхоналарни жадал барпо этиш, қишлоқда, аввало, ёшлар ўртасида бандлик ўсишини таъминлаш, қишлоқ аҳолисининг даромадлари ва турмуш сифатини юксалтириш бўйича чора-тадбирларнинг кенг комплексини амалга оширишдан иборат.

Оламнинг ободлиги аввало деҳқон меҳнатига боғлиқ, дейдилар. Буюк Алишер Навоий бобомиз деҳқонларни “Эл учун ризқ йўлини очиб берадиган” инсонлар деб таърифлагани бежиз эмас. Чиндан ҳам, бу сўзларда чуқур маъно бор. Негаки, ерни, деҳқонни ардоқлаган эл ҳеч қачон кам бўлмайди.

Афсуски, шўролар замонида қишлоқларимизда истиқомат қиладиган аҳоли, заҳматкаш деҳқонларимиз маҳсулотларини сув текинга бериб, ўзи қашшоқ бўлиб қолаверган, айниқса, совет тузумининг сўнгги йилларида бу борадаги аҳвол чидаб бўлмайдиган даражага етган эди.

Республикамизда ҳукм сурган ана шундай ғоят оғир ва мураккаб бир вазиятда Юртбошимиз ушбу даъватни илгари сурди: “Бугунги қишлоққа ўзининг асл қадр-қимматини қайтармоқ зарур. Қишлоқ хўжалиги қайта туғилиши керак. Қишлоқ меҳнаткашларига ишонч бағишлаш керак. Ўзбекистон

барча аҳолисининг турмуш даражаси қишлоқ аҳолисининг фаровонлигига, уларнинг меҳнат шижоатига боғлиқ”.

Шу тариқа, бундан йигирма йил аввал – истиқлол арафасида юртимизда мутлақо янгича ёндашув асосида қишлоқ ҳаётини тубдан ислоҳ қилишга дадил киришилди. Айтиш керакки, қишлоқ хўжалигидаги туб ўзгариш, том маънодаги тарихий ислоҳот қишлоқда мулк ва мулкӣ муносабатлар масаласини тўғри ҳал қилинишига, фермерлик ҳаракати юртимизда кенг қулоч ёйишига олиб келди. Бугунги кунда фермер хўжаликлари қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришининг асосий шаклига, уни барқарор ва самарали ривожлантирадиган ҳаракатлантирувчи кучга айланди.

Ўтган даврда қишлоқ хўжалиги ходимларини моддий рағбатлантириш, деҳқончилик, боғдорчилик ва чорвачилик маҳсулотларининг харид нархларини мунтазам ошириб бориш, қишлоқдаги оилаларнинг моддий аҳволини яхшилаш борасида ҳам изчил сиёсат олиб борилди.

Шу билан бирга, қишлоқларимизни ободонлаштиришга алоҳида эътибор қаратилди. Ҳозирги кунда юртимизнинг, ҳатто, энг олис ва чекка қишлоқларида ҳам бунёд этилган замонавий, қулай ва кўркем турар-жойлар, мактаб ва коллежлар, қишлоқ врачлик пунктлари, маданият ва спорт кошоналари, боғ-роғлар, равон йўл ва кўприклар кўзни қувонтиради.

Буларнинг барчаси мустақиллик йилларида давлатимиз раҳбари ташаббуси ва раҳбарлигида мамлакатимизда қишлоқларимизни обод ва фаровон этиш, қишлоқда турмуш маданиятини юксалтириш, аҳолининг ҳаётий манфаатларини таъминлаш борасида аниқ мақсадга қаратилган изчил ва қатъий сиёсат амалга ошириб келинаётганининг яққол ифодасидир.

Куни кеча Президентимиз томонидан “Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили” Давлат дастури тасдиқлангани эса ҳамиша эътибор марказимизда турган инсон – ризқ-рўзимиз ва фаровонлигимиз бунёдкори бўлган меҳнаткаш деҳқон, қишлоқ аҳли манфаатларини ҳар томонлама таъминлашга қаратилган тизимли ва босқичма-босқич ислоҳотларимизни янги, бундан ҳам юқори даражага кўтариш ва самарадорлигини янада юксалтириш борасидаги ишларнинг изчил давомидир.

Бунинг замирида, ҳеч шубҳасиз, қишлоқда яшайдиган одамларнинг ҳаёт даражаси ва турмуш маданиятини ошириш, пировард натижада бутун мамлакатимизнинг юксак тараққиёти ва эл-юртимизнинг фаровонлигини таъминлашдек бугунги хайрли мақсад-муддаоларимиз, айти пайтда халқимизга хос асрий орзу-интилишлар, анъана ва қадриятлар ўз мужассамини топган. Мамлакатимиз раҳбари таъкидлаганидек, қишлоқ тараққий топса, юртимиз обод, ҳаётимиз янада фаровон бўлади.

Давлат дастури 9 бўлим ва 105 банддан иборат. Ҳар бир бўлим ва банд бўйича амалга ошириладиган аниқ чора-тадбирлар, ундан кутиладиган натижалар, сарфланадиган харажатлар миқдори ва молиялаштириш манбалари, шунингдек, ижро муддатлари қатъий белгилаб қўйилгани бу муҳим ҳужжатнинг тўла ва ўз вақтида бажарилишини таъминлашга хизмат қилади.

Агарда 1989 йилдан 2008 йилгача бўлган даврга назар ташлайдиган бўлсак, ана шу вақт мобайнида мамлакатимизда қишлоқ ҳаётини, қишлоқ хўжалиги соҳасини ривожлантиришга қаратилган 80 дан ортиқ қонун, фармон ва қарорлар қабул қилинганини кўрамиз. Дастурнинг биринчи бўлими қишлоқ аҳолисининг манфаатларини яна ҳам тўлиқроқ таъминлаш мақсадида ана шу қонунчилик базаси ва норматив-ҳуқуқий базани янада такомиллаштиришга қаратилган чора-тадбирларни қамраб олган.

Дастурнинг навбатдаги бўлимида қишлоқ қиёфасини сифат жиҳатдан яхшилаш, аҳоли турар-жойлари ва ижтимоий соҳа иншоотларини меъморий режалаштириш ва намунавий лойиҳалар асосида барпо этиш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича белгилаб берилган тадбирлар билан танишиш асносида, меъмор ва муҳандисларнинг, мутасадди раҳбарларнинг бу масалага ёндашувини давр талабига мос равишда ўзгартиришга алоҳида урғу берилганига яна бир бор амин бўласиз.

Бошқача айтганда, “қишлоқ жойга бўлаверади” деган эскича қарашларга энди бутунлай барҳам бериш лозим. Бугун қишлоқда янги уй-жойлар, ижтимоий-маданий, тиббиёт ва маиший хизмат кўрсатиш иншоотларини пухта ишлаб чиқилган

бош режа, замонавий меъморлик лойиҳалари асосида қуриш, туман марказларини, кўча ва майдонларни тартибга келтириш, ободонлаштириш – олдимизда турган долзарб, шу билан бирга, катта меҳнат, кунт ва дид талаб этадиган масалалардан ҳисобланади.

Бунда муайян ҳудуднинг табиати ва иқлим шароити, ўзига хос демографик жиҳатлари, мавжуд маҳаллий қурилиш материаллари ва қурилиш индустрияси базаси каби муҳим омилларга таяниб иш олиб бориш катта аҳамиятга эга.

Қишлоқда турмуш сифатини юксалтириш, автомобиль йўллари ривожлантириш ва транспорт хизмати кўрсатишни яхшилаш, аҳолини тоза ичимлик суви билан таъминлаш, айниқса, бориш қийин бўлган ва олис қишлоқларни телекоммуникация тармоқлари ва почта алоқаси билан қамраб олиш доирасида амалга ошириладиган аниқ чора-тадбирлар Дастурнинг навбатдаги бўлимида ўзининг аниқ ифодасини топган.

Қишлоқ қурилиши бўйича ихтисослашган махсус тижорат банки ташкил этиш, яқка тартибдаги уй-жойларни капитал таъмирлаш учун кредитлар ажратиш, тегишли пудрат ташкилотлари ва бошқа манфаатдор ташкилотлар фаолиятини мувофиқлаштириб турадиган қишлоқ қурилиши ассоциацияси тузиш ҳам кўзда тутилмоқда.

Шу ўринда жорий йил мобайнида 452 та чакана савдо нуқталари, хусусан, мини маркетлар, 126 та умумий овқатланиш объектлари, шунингдек, 1 минг 856 та маиший хизмат кўрсатиш корхонасининг қурилиши қанчалик муҳим эканини алоҳида таъкидлаш жоиз. Чунки бунинг ҳисобига қишлоқда хизмат кўрсатиш ва сервис соҳаси сифат жиҳатидан юқори босқичга кўтарилади, айти вақтда бу 140 мингта янги иш ўрнини ташкил этиш имконини беради.

Дастурнинг навбатдаги бўлимида мамлакатимизнинг ўзида қурилиш материалларини ишлаб чиқаришни кенгайтириш, йиғма конструкциялар ва маҳаллий материаллардан фойдаланган ҳолда, қишлоқда объектлар қуришнинг индустриал ва йиғма технологияларини жорий этишга йўналтирилган аниқ тадбирлар белгилаб берилган.

Енгил қурилиш конструкциялари, жумладан, йиғма конструкциялар ишлаб чиқариш қувватларини модернизация қилиш, қишлоқ жойларда ана шундай конструкцияларни қўллаган ҳолда, қурилиш ишларини амалга оширишга техник кўмаклашиш масаласига катта аҳамият қаратилади.

Бундан ташқари, қурилиш хом-ашёси ва материаллари турини ошириш ва нархини арзонлаштириш учун жойларда цемент, оҳак, гипс, шунингдек, турли қурилиш материаллари ишлаб чиқарадиган янги қувватлар фойдаланишга топширилади. Қурилиш учун зарур хом ашё конларини тиклашга ва уларнинг сонини кўпайтириш, қурилиш маҳсулотларини мақбул нархларда сотиш бўйича жойларда 77 та фирма дўкон ва уларнинг филиалларини очиш кўзда тутилмоқда.

Маълумки, қишлоқни ривожлантиришда мавжуд энергия ва газ таъминоти иншоотларини реконструкция қилиш ва шундай янги объектлар қуриш ҳисобига қишлоқ жойларни зарур ёқилғи-энергетика ресурслари билан узлуксиз ва кафолатли таъминлаш бўйича шарт-шароитлар яратиш муҳим аҳамият касб этади.

Дастурда бу йўналишда қишлоқ жойларда истеъмолчиларнинг энергия таъминоти ишончилигини ошириш, олис ва чекка қишлоқлардаги аҳолини ҳам электр энергияси, газ ва кўмир билан таъминлаш юзасидан бир қатор ташкилий техник чора-тадбирлар мажмуи белгиланган.

Қишлоқ хўжалигида иқтисодий ислохотларни изчил чуқурлаштириб бориш, фермерлик ҳаракатини янада қўллаб-қувватлаш, унинг моддий ва молиявий базасини мустаҳкамлаш, қишлоқда шаклланаётган янги мулкый муносабатлар, ўрта синф – мулкдорлар, тадбиркорлар, ишбилармонлар манфаатлари ишончли ҳимоя қилинишини таъминлаш борасида юртимизда олиб бориладиган кенг қамровли ишлар ҳам изчил давом этади.

Мамлакатимизда 2008-2012 йилларда суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш борасида катта ҳажмдаги ишлар амалга оширилмоқда, Тасдиқланган Давлат дастурида аввало бу борада аниқ мақсадга йўналтирилган комплекс чора-тадбирларни бажариш асосида тупроқ унумдорлигини тубдан яхшилаш масалаларига кенг ўрин берилган.

Қишлоқда саноат ишлаб чиқаришини янада жадал ривожлантириш, мева-сабзавот ва чорвачилик маҳсулотларини қайта ишлаш бўйича замонавий техник ва технологиялар билан жиҳозланган ихчам корхоналарнинг кенг тармоғини ташкил этиш, шу асосда қишлоқ аҳли, биринчи навбатда ёшларнинг ишга жойлаштирилишини таъминлаш, аҳоли даромадлари ва фаровонлигини оширишга доир вазифалар энг муҳим йўналишлар қаторига киритилган.

Биргина мисол: Дастурга мувофиқ, қишлоқ жойларда касаначилик негизида 70 минг янги иш ўрни яратиш кўзда тутилган бўлиб, уларни тикувчилик, ипакчилик, қайта ишлаш, мебелсозлик саноати корхоналари билан ҳамкорликда, ҳунармандчиликни ривожлантириш ва пудрат шартномлари бўйича ишларни уйда бажариш асосида ташкил этиш белгиланган.

Қишлоқ аҳли саломатлигини муҳофаза қилишни яхшилаш ҳақида гап борар экан, албатта, “Саломатлик-2”, “Шошилинч тиббий ёрдам бўлимларини тиббиёт асбоб-ускуналари билан жиҳозлаш” инвестиция лойиҳаларининг амалга оширилиши салмоқли қадамлардан бўлишини таъкидлаш лозим. Нега деганда, ана шу икки лойиҳа доирасида йил давомида 46 та қишлоқ врачлик пункти, 87 та қишлоқ шифохонасини тиббиёт ва лаборатория анжомлари билан, 2 минг 315 та қишлоқ врачлик пунктини эса тўлиқ жиҳозлаш, 331 та қишлоқ врачлик пункти ва қишлоқ шифохоналарини, шу жумладан, олис ва чекка туманлардаги тиббиёт муассасаларини санитария автотранспорти билан таъминлаш, 159 та туман марказий шифохоналарининг шошилинч тиббий ёрдам бўлимларига тиббиёт анжомлари етказиб бериш мўлжалланмоқда.

Дастурдаги яна бир муҳим масалага алоҳида тўхталиб ўтиш ҳар томонлама ўринлидир.

Қишлоқларимизда жорий йилнинг аниқ манзилли қурилиш рўйхатига киритилган 6 та академик лицей ва 164 та касб-ҳунар коллежи, янги қурилган ва капитал реконструкция қилинган 733 та умумтаълим мактаби белгиланган муддатларда фойдаланишга топширилади. Шунингдек, 615 та мактаб капитал таъмирдан, 355 таси жорий таъмирдан чиқарилади, 1 минг 703

та мактаб эса мебель, замонавий ўқув-лаборатория асбоб-ускуналари, компьютер техникаси ва спорт анжомлари билан жиҳозланади. Бундан ташқари, қишлоқ жойларда 168 та болалар спорти иншооти, 6 та сузиш ҳавзаси ҳамда 5 та болалар мусика ва санъат мактаби қурилади ва реконструкция қилинади.

Кўриб турганингиздек, ушбу Дастурнинг миқёси жуда кенг ва қамровли бўлиб, бу чора-тадбирларнинг ҳар бири ўзининг аниқ йўналтирилганлиги билан алоҳида эътиборга эга. Энг муҳими, унинг ижросига давлатимиз бюджетидан ва ҳомийлар ҳисобидан катта миқдордаги маблағ жалб этилиб, мамлакатимизнинг улкан салоҳиятига эга интеллектуал кучлари сафарбар этилмоқда. Зотан, бу Дастур наинки қишлоқни обод қилиш, қишлоқ хўжалигида ислохотларни чуқурлаштириш борасида, айни чоғда ўз келажагини ўз қўли билан бунёд этаётган эл-юртимизнинг дунёда ҳеч кимдан кам бўлмай яшаши, муносиб ҳаёт кечираши йўлида изчил олиб борилаётган амалий ишларимизга янгича мазмун ва кўлам бағишлайди.

Мухтасар айтганда, “Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили” Давлат дастурида белгиланган устувор мақсад ва вазифаларнинг сўзсиз бажарилишига эришиш тегишли вазирлик ва идоралар, турли бўғиндаги мутасадди раҳбарлар зиммасига улкан масъулият юклайди. Ва, албатта, ўзини шу Ватаннинг фарзанди, юртимизда амалга оширилаётган ҳаётбахш ислохотларга дахлдор деб биладиган ҳар бир юртдошимиз бу хайрли ишларга муносиб ҳиссасини қўшиши шубҳасиздир.

ҚИШЛОҚ ОБОД – ЮРТ ОБОД

Қишлоқ – аҳолиси, асосан, деҳқончилик, чорвачилик ва қишлоқ хўжалигининг бошқа соҳаларида банд бўлган аҳоли манзилгоҳи. Қишлоқ аҳолисининг машғулоти билан эмас, балки ижтимоий-иқтисодий, маданий, табиий-географик ва турмуш тарзи билан ҳам шаҳардан фарқ қилади. Қишлоқ - Ўзбекистон Республикаси маъмурий-ҳудудий тузилишидаги энг қуйи бўғин. Қишлоқнинг ижтимоий-иқтисодий хусусияти аҳолининг ердан қай даражада фойдаланиши, жойнинг табиий-географик шарт-шароитлари билан боғлиқ. Шу боис қишлоқлар тарихан катта-

кичик бўлган, турар жойлар ҳам шунга қараб жойлашган. Текис, серсув ва тупроғи серунум, умуман, табиий шароити қулай жойларда йирик қишлоқлар жойлашиб, аҳоли анча гавжум яшаган, асосан, деҳқончилик, боғдорчилик билан шуғулланган. Текис, лекин суви кам бўлган жойларда (чўл ва даштларда) аҳоли кўпроқ чорвачилик билан машғул бўлган. Бундай жойларда қишлоқлар кичик, бир-биридан анча узоқда, асосан, қудуқлар ёнида жойлашган. Тоғли ҳудудларда қишлоқлар кўпроқ сой, булоқлар бўйида таркиб топган.

Қишлоқлар умумий бир марказга – қишлоқ фуқаролик йиғинларига эга бўлган, иқтисодий ва ижтимоий жиҳатдан бир-бирига узвий боғланган кичик аҳоли манзилгоҳларига ҳам бўлиниши мумкин. Улар Ўзбекистонда маҳаллаларга ажралади. Тарихда маҳаллаларнинг бир қишлоқга бирлашиши аҳолининг деҳқончиликнинг муайян тури билан шуғулланиши, бир қабилага мансублиги, бир ариқдан сув ичиши, хашар, тўй ва маъракаларни бирга ўтказиши ва шу қабиларга боғлиқ бўлган.

Қишлоқ кишиларнинг ижтимоий ва тарихий таркиб топган бирлигидир. Уларнинг вужудга келиши жамият тараққиёти ва ҳудудий меҳнат тақсимотидаги ўзгаришлар билан боғлиқ бўлади. Саноатнинг ривожланиши ва урбанизация муносабати билан дунёда қишлоқ аҳолиси салмоғи камаймоқда. Ўзбекистон қишлоқларидаги аҳоли салмоғи ортмоқда. Бунинг асосий сабаби қишлоқларда аҳолининг такрор барпо бўлиш жараёнининг шаҳарлардагига нисбатан бир қадар жадал кечишидир. 1970-1990 йилларда Ўзбекистон аҳолисининг 60% қишлоқларда яшаган. Республикада туғилишнинг нисбатан юқорилиги маълум даражада оилаларнинг кўпчилиги қишлоқ шароитида, қишлоқ турмуш тарзида яшаб келаётганлиги билан боғлиқ. Масалан, 1990 йилда қишлоқларда ҳар 1000 кишига 39 та бола туғилган бўлса, шаҳарларда 26 та бола туғилганлиги қайд этилган. Мустақиллик йилларида аҳоли турмуш тарзида иқтисодий-ижтимоий ўзгаришлар содир бўлди. 1995 йилда Ўзбекистон қишлоқларида туғилишнинг йиғинди коэффиценти 4,12 ни ташкил этиб, аҳоли такрор барпо бўлишининг кенгайган турига мансуб бўлса, 2001 йилда бу кўрсаткич 2,75 га тушди ва аҳоли такрор барпо бўлишининг оддий (нормал) турини

таъминламоқда. Бу ҳолат қишлоқ оилаларида кўп болалиқдан ўртача болалиққа ўтиш жараёни рўй бераётганини кўрсатади.

Қадимий қишлоқлар аҳолининг мавсумий манзилгоҳларидан ташкил топган. Ўзбекистон ҳудудидаги қишлоқлар дастлаб кишиларнинг қиш фаслида истиқомат қиладиган жойи сифатида вужудга келган (“қишлоқ” номи ҳам шундан). Одамлар аста-секин деҳқончилик билан шуғулланиб, ўтроқлик даврига ўтгач, қишлоқлар кўпайди ва кенгайди. Ибтидоий жамият даврида шаклланган уруғ бирлашмалари ўтроқлик даврида ҳам сақланиб, бир уруғ бир қишлоққа ўрнашган. Ҳозирги айрим қишлоқлар ўша уруғ номи билан юритилади. Кейинчалик уруғларнинг қабилалари бирлашиши натижасида йирик ёки бир-бирига яқин жойлашган қишлоқлар пайдо бўлди. Масалан, Кенагас, Манақ, Манғит, Мингли, Найман, Митан ва бошқалар. Қулдорлик даврида кўп мамлакатларда қулдорларнинг ерларида ишлайдиган кишиларнинг бир жойга ўрнашиши билан ҳам қишлоқлар пайдо бўлган. Бу қишлоқлар шу ер эгасининг номи билан ёки жойнинг географик ҳолатига қараб аталган. Хунармандчилик ва савдо-сотикнинг ривожланиши билан ҳам янги қишлоқлар вужудга келиб, кенгайиб борди. Карвон йўлларида, дарёларнинг кечув жойларида ҳам қишлоқлар юзага келган: Еттিকেчув, Қизилкечув, Қоракечув, Лангар ва бошқалар. Хунармандчилик ва савдо ривожланиб, деҳқончилик ажралиб чиқа бошлагач, шаҳарлар юзага келди. Илк ижтимоий формацияларда аҳолининг кўпчилиги қишлоқларда яшаганлиги учун жамиятнинг асосий ижтимоий-иқтисодий ва маданий хусусиятлари қишлоқ ҳаёти билан белгиланган. Дастлабки даврларда қишлоқ жамоа бошлиғи, кейинчалик сайланадиган жамоа оқсоқоли ёки жамоа йиғини томонидан бошқарилган. Қишлоқларнинг ташқи кўриниши, қурилиши ҳам даврдан-даврга ўзгариб борган. Масалан, Хоразм ҳудудида, Суғдда 6-7 асрларда янги типдаги қишлоқлар – катта-катта бой оилалар яшайдиган қаср-қўрғонлар бўлган, оддий деҳқонлар эса майда қўрғончаларда яшардилар. Ҳар бир қаср-қўрғоннинг атрофи мудофаа девори билан ўралган бўлиб, ўртасида кўшкни бўлган. Темурийлар даврида ҳозирги Ўрта Осиё ҳудудида қишлоқларни ободонлаштиришга, ариқ ва каналлар қазиб, боғ-роғлар барпо

қилишга аҳамият берилган. Европа мамлакатларида саноат, ишлаб чиқаришнинг ривожланиши қишлоқ ҳаётига ҳам кучли таъсир кўрсатди. Қишлоқлар 20-асрнинг 2-ярмида анча ривожланди. Қишлоқ аҳолисининг турмуш тарзи яхшиланди. Қишлоқлардаги ижтимоий-иқтисодий, маданий ҳаёт тарзи тубдан ўзгарди. Сўнгги даврда қишлоқлар камайиб, шаҳарлар салмоғи ортиб борди. Ҳозирда қишлоқ аҳолиси жаҳон аҳолисининг қарийб 53% ни ташкил этади.

Қишлоқ аҳолиси – мамлакат жами аҳолисининг вилоят ва туманлардаги қишлоқ-овуларда яшайдиган қисми. Қишлоқ аҳолисининг аксари қисми, асосан, деҳқончилик, чорвачилик ёки қишлоқ аҳолисининг бошқа турлари билан машғул бўлади. Мамлакат иқтисодий ривожланган сари саноатда ишловчилар салмоғи ортиб, бутун аҳоли таркибида қишлоқ аҳолиси салмоғи камайиб боради. 19-асрнинг бошларида қишлоқларда жаҳон аҳолисининг 95-97%, 20-аср бошларида қарийб 85% яшаган бўлса, 1970 йилда 65% дан камроғи истиқомат қилди. Айниқса, ривожланган мамлакатларда қишлоқ аҳолиси салмоғи анча паст. Масалан, Буюк Британиядан 11%, Германияда 12%, АҚШда 21% га яқин. Баъзи мамлакатларда шаҳарларнинг экологик шароити оғирлашиб бориши ва транспортнинг ривожланиши натижасида аҳоли шаҳарлардан қишлоқларга кўчиб ўтиши жараёни кузатилади.

Сўнгги йилларда Ўзбекистонда шаҳар аҳолисининг ўсиш суръати пасайиб кетди. Бу қишлоқ аҳолисининг шаҳар аҳолисига нисбатан жадалроқ кўпайиши натижасида рўй берди. Республикада қишлоқ аҳолисининг ўсишига аҳоли табиий кўпайиши кўрсаткичлари (асосан, туғилиш) нинг кўпайиши ҳам сабаб бўлмоқда. Масалан, 1991 йилда мамлакат аҳолисининг 59,5% ни қишлоқ, 40,5% ни шаҳар аҳолиси ташкил этган бўлса, 2004 йилда бу кўрсаткич мос равишда 63,5% ва 36,5%дан иборат бўлди, яъни қишлоқ аҳолиси салмоғи 4,0% га ошган. Ҳозирда Ўзбекистоннинг қишлоқ жойларида туғилишнинг умумий коэффиценти (ҳар 1000 кишига нисбатан туғилганлар сони) 2,4 ни, туғилишнинг махсус коэффиценти (ҳар 1 га 15-49 ёшдаги аёлга нисбатан болалар сони) 2,75 ни ташкил қилади. Ўзбекистонда янги иқтисодий ислохотларнинг жорий этилиши,

бозор муносабатларининг шаклланиши қишлоқ аҳолисининг демографик вазиятига маълум даражада таъсир этмоқда.

Қишлоқ хўжалиги – моддий ишлаб чиқаришнинг асосий тармоқларидан бири. Дехқончилик ва чорвачилик маҳсулотлари олиш учун экинлар экиш ва чорва молларини кўпайтириш билан шуғулланади, аҳолини озиқ-овқат маҳсулотлари ва халқ хўжалигининг бир қанча тармоқларини ҳам ашё билан таъминлайди. Қишлоқ хўжалиги ўсимлик ва ҳайвон маҳсулотларини дастлабки қайта ишлашнинг турли тармоқларини ҳам ўз ичига олади. Моддий ишлаб чиқаришнинг бошқа жами соҳаларидан фарқ қилган ҳолда қишлоқ хўжалиги жуда катта майдонларда ва ҳудудий хилма-хил шароитларда олиб борилади. Унда ер (асосий ишлаб чиқариш воситаси), ёруғлик, иссиқлик, сув ва тирик организмлар – ўсимлик ва ҳайвонлардан фойдаланилади. Қишлоқ хўжалигининг ишлаб-чиқариш даври иш даври билан мос тушмайди. Қишлоқ хўжалигининг асосий тармоқлари – дехқончилик ва чорвачилик. Улар ҳам ўз навбатида бир қадар кичикроқ тармоқларга бўлинади (деҳқончиликда – далачилик, сабзавотчилик, полизчилик, боғдорчилик, ўрмон хўжалиги ва бошқаларга; чорвачиликда – қорамолчилик, қўйчилик, йилқичилик, чўчқачилик, паррандачилик, асаларичилик, пиллачилик ва бошқаларга); Ўз навбатида, дехқончилик ва чорвачилик тармоқлари экиладиган экинлар (ғаллачилик, шоликорлик, пахтачилик) ва чорва моллари турлари (қорамол, қўй, от, туя) бўйича гуруҳланади.

Қишлоқ хўжалиги – инсон хўжалик фаолиятининг дастлабки турларидан бири. Унинг келиб чиқиши тош даври охирига бориб тақалади. Бу даврда инсон хўжалик ва бошқа эҳтиёжларини қондириш учун ерни оддий қуроқлар билан ишлаган, баъзи ҳайвонларни хонакилаштира бошлаган. Асрлар давомида турли шароитлар таъсирида дехқончилик тизими ўзгарган ва такомиллашган: ҳайвонларнинг фойдали хусусиятлари парваришланган, кўплаб зотлари етиштирилган.

Жаҳон қишлоқ хўжалигида дунёдаги иқтисодий фаол аҳолининг 45,2%и банд. Қишлоқ хўжалигида фойдаланиладиган ерлар 13387,0 млн.га, жумладан, ҳайдаладиган ерлар 1380,8

млн.га, жами суғориладиган ерлар 271,4 млн.га (1998). 1999 йилда жаҳон қишлоқ хўжалигида 583,6 млн. тонна буғдой, 596,4 млн. тонна шоли, 600, 4 млн. тонна маккажўхори, 130.0 млн. тонна арпа, 294,3 млн. тонна картошка, 444,6 млн. тонна мевалар, шу жумладан, 60,6 млн. тонна узум етиштирилди. Чорвачилиқда 225,9 млн. тонна гўшт, 562,4 млн. тонна сут тайёрланди. 1338,2 млн. бош қорамол, 912,7 млн. чўчка, 1068,6 млн. қўй, 709,9 млн. эчки ва 14139,0 млн. товуқ боқилди.

2009 йил “Қишлоқ таракқиёти ва фаровонлиги йили” да ўтказилиши мумкин бўлган тадбирлар методикаси

“Қишлоқ – ободлик, тўқинлик ва фаровонлик манбаи” мавзуида билимдонлар беллашуви

Ушбу беллашувда бошловчи, 6 ёки 8 кишидан иборат 2 та жамоа иштирок этади. 5 кишилиқ ҳакамлар ҳайъати жавобларни баҳолайдилар. Тўғри топилган жавобларга 5 балл қўйилади.

Ўйин 16 та савол ва 2 та шартдан иборат бўлади. Жавобни топиш учун 2 дақиқа вақт берилади.

Ўйин ўтказилаётган ерда стол жойлаштирилиб, барча саволлар рақамланган конвертга жойлаштирилади. Жамоалар хоҳлаган рақамдаги саволни тортиб, жавоб беришлари мумкин. Агарда жамоалардан бири саволга жавоб беролмаса, навбат кейинги жамоага ўтади.

Қайси жамоа ўйинни биринчи бўлиб бошлаши қуръа ташлаш йўли билан аниқланади.

Беллашув саволлари

1.Қишлоқ

Қишлоқ – аҳолиси, асосан, деқончилик, чорвачилик ва қишлоқ хўжалигининг бошқа соҳаларда банд бўлган аҳоли манзилгоҳи. Қишлоқ фақат аҳолисининг машғулоти билан эмас, балки ижтимоий-иқтисодий, маданий, табиий-географик ва турмуш тарзи билан ҳам шаҳардан фарқ қилади. Қишлоқ - Ўзбекистон Республикаси маъмурий-худудий тузилишидаги энг куйи бўғин.

2.Қишлоқ аҳолиси

Қишлоқ аҳолиси – мамлакат жами аҳолисининг вилоят ва туманлардаги қишлоқ-овулларда яшайдиган қисми. Қишлоқ аҳолисининг аксари қисми, асосан, деҳқончилик, чорвачилик ёки қишлоқ аҳолисининг бошқа турлари билан машғул бўлади. Мамлакат иқтисоди ривожланган сари саноатда ишловчилар салмоғи ортиб, бутун аҳоли таркибида қишлоқ аҳолиси салмоғи камайиб боради.

3.Деҳқонлар ва деҳқон хўжалиги

Деҳқонлар – ижтимоий гуруҳ, аҳолининг асосий касби деҳқончилик бўлган махсус тоифаси. Деҳқонлар меҳнат фаолияти, турмуш тарзи, манфаати ва кўникмаларига кўра жамиятдаги бошқа синф ва ижтимоий гуруҳлардан фарқ қилади. Деҳқонлар аграр соҳада фаолият кўрсатади, ер ва бошқа ресурсларга эгалик қилади, ўз ишлаб чиқариш воситалари ва оила аъзолари меҳнати билан якка хўжалик юритади.

Деҳқон хўжалиги оилавий товар хўжалиги бўлиб, оила аъзоларининг шахсий меҳнати асосида мерос қилиб қолдирилган, умрбод эгалик қилиш учун оила бошлиғига берилган томорқа ерида қишлоқ хўжалиги маҳсулотини етиштиради ва уни реализация қилади.

Деҳқон хўжалиги тадбиркор хисобланиб, хўжалик аъзоларининг хоҳишига кўра юридик шахс ташкил этган ҳолда ёки юридик шахс деб тасдиқланмасдан ҳам фаолиятини амалга ошириши мумкин.

Деҳқон хўжалиги ўз фаолиятида ёлланма меҳнатдан доимий фойдаланиши мумкин эмас.

Деҳқон хўжалиги аъзоларига биргаликда яшаётган ва иш юритаётган оила бошлиғи, фарзанд, ота-она, яқин қариндошлар киради.

Юридик ва жисмоний шахслар ўзаро муносабатларда деҳқон хўжалиги номидан шу хўжалик бошлиғи билан иш кўради.

4. Фермер ва фермер хўжалиги

Фермер – кишлоқ хўжалиги тадбиркори, фермер хўжалиги эгаси. Ўзбекистонда мавжуд қонун ҳужжатларига кўра, 18 ёшга тўлган, кишлоқ хўжалигида тегишли билим, малака ва иш тажрибасига эга бўлган ҳамда муомалага лаёқатли фуқаро фермер бўлиши мумкин.

Фермер хўжалиги – хусусий ёки узок муддатга ижарага олинган ерда кишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштириш билан шуғулланадиган хўжалик. Илк ва мукаммал шаклда фермер хўжаликлари АҚШ, Канада, Австралия, Янги Зеландияда мустамлакачилик сиёсати ва бўш ётган ҳамда ерли аҳолига тегишли ерларда колониялар ташкил қилиш натижасида пайдо бўлган.

Ўзбекистонда фермер хўжаликлари ердан ижара асосида фойдаланадилар ва уларга ер майдонлари 50 йилга ёки 30 йилдан кам бўлмаган муддатга ижарага берилади.

5. Буғдой

Буғдой инсоният учун энг муҳим озиқ-овқат экини ҳисобланади ва Ер шари аҳолисининг асосий қисми, яъни 70%и буғдой унидан тайёрланган маҳсулотларни истеъмол қилади. Буғдойдан тайёрланган озиқ-овқат маҳсулотлари мазали, тўйимли, яхши ҳазм бўлади. Буғдой донидан ун, ундан хилма-хил озиқ-овқат маҳсулотлари, спирт ва бошқалар олинади. Буғдой уни ҳеч қачон ҳеч кимнинг кўнглига урмайди, инсон ўзига керакли куч ва қувватни нондан олади, организм учун зарур витаминлар В1, В2, РР ва кальций, темир ва фосфор ҳам нонда бўлади. Буғдой донидан крахмал, декстрин, кепак олинади. Сомони, кипиклари чорва моллари учун озуқа сифатида фойдаланилади.

Буғдойнинг 22 тури мавжуд бўлиб, шундан бизда ҳам, чет мамлакатларда ҳам асосан икки тури: юмшоқ ва қаттиқ буғдой кенг тарқалган.

6. Кузги жавдар

Кузги жавдар энг муҳим дон экинларидан бири ҳисобланади. Дони ва сомонидан озиқ-овқат саноатида, чорвачиликда фойдаланилади. Уруғлари таркибида оксил миқдори тупрок иқлим шароитига кўра, 9-10%, крахмал 53-64%, мой 15-18% ва бошқалар бор. Жавдар нонида витаминларнинг А, В, В2, Е, РР1 хиллари сақланади. Жавдар унидан тайёрланган маҳсулотлар тўйимли, каллорияли бўлиб, ўзига хос таъмга эга. Донидан нон ва нон маҳсулотларидан ташқари, спирт олинади, крахмал тайёрланади, хом ашё сифатида фойдаланилади. Жавдар уруғидан муртақлар оксил, мой, қанд, витаминларни кўп сақлагани учун дори-дармон тайёрлашда ва озиқ-овқат саноатида кенг ишлатилади.

7. Кузги арпа

Арпа хўжалик аҳамиятига кўра, дон экинлари ичида буғдойдан кейин иккинчи ўринни эгаллайди. Арпа энг муҳим дон экинларидан бири. У ем-хашак ва озиқ-овқатга ишлатилади. Сомони чорва моллари учун яхши пичан ҳисобланади.

Арпа кўкат озиқ ва пичан учун кўпинча дуккакли дон экинлари (нўхат, вика) га қўшиб экилади.

Арпа донидан арпа ёрмаси ва арпа уни тайёрланади. Уни буғдой ёки сули унига қўшиб (25% гача) нон ёпиш учун ишлатилади. Арпа уни таркибида клейковина моддасининг камлиги ва оксил сифатининг пастлигидан соф ҳолда нон ёпиш учун ярамайди.

8. Сули

Сули Ер шарида қадимдан етиштириб келинадиган экинлардан бири. Сули донидан ёрма, сули талқони, галет, кофе тайёрланади. Сули дони таркибида 12-13 фоиз оксил, 67-68 фоиз карбонсувлар ва 5-6 фоиз мой бўлади. Сули ёрмаси таркибидаги оксил одам ва ҳайвон организми учун зарур бўлган қимматли аминокислоталарга бой бўлади. Донида В1 витамини (тисмин) ва темир бирикмалари кальций ва фосфор кўп бўлади.

9. Нўхат

Бу ўсимлик Ўрта Осиёда кенг тарқалган бўлиб, жуда қадимдан экилиб келинади. Нўхат турли суяқ овқатларга

ишлатилади, консервалар тайёрланади. Буғдой унига 10-15% нўхат кўшиб нон, макарон ва кондитер маҳсулотлари тайёрланганда уларнинг тўйимлилиги ошади.

Нўхат унидан ёш болаларга сутли овқатлар тайёрлаш мумкин. Ҳали пишиб етилмаган нўхат уруғларини сабзаёт маҳсулотлари сифатида истеъмол қилиш мумкин.

10.Мош

Ўрта Осиё ва Кавказ орти республикаларида мошдан озиқ-овқат саноатида кенг фойдаланилади. Мошдан тайёрланган унни макаронга кўшилса тўйимлилиги ошади. Мошнинг кўк пояси ҳам, қуриган поялари ҳам, ҳайвонлар учун тўйимли озуқа ҳисобланади. Мошни маккажўхори билан аралаш экиб оксилга бой кўк поя ва силос тайёрлаш мумкин. Уруғи таркибида 25-27% оксил бор.

11.Ловия

Ўрта Осиё аҳолиси ловияни жуда қадимдан озиқ-овқат учун ишлатиб келган. Ловия суyoқ овқатларга – мастава, гўжа, угра ошларига ишлатилади. Ловия донидан ун тайёрлаб, жавдар ёки буғдой унига кўшиб нон тайёрлаш мумкин. Тоза пишиб етилмаган дуккаклардан консерва саноатида фойдаланилади. Ловия жуда калорияли озиқ-овқат маҳсулоти ҳисобланади. 1 кг ловияда 3300 калория бор.

12.Кўк нўхат

Кўк нўхат - оксилга бой қимматли озиқ-овқат маҳсулоти. Пишган уруғлари бутунлигича ва майдаланган ҳолда ишлатилади, баъзан ҳар хил овқатларга ҳам солинади. Кўк нўхат уни макаронларга ҳам кўшилади, одатда озиқ-овқатга ишлатиш мақсадида оқ донли, сариқ донли, сарғиш-қизғиш рангдаги, баъзан кўк рангдаги уруғлар етиштирилади. Қорамтир рангдагиларни пиширганда ёмон пишади ва ранги чиқиб кетиб овқатнинг таъмини ва рангини бузади. Кўк ҳолида донлар йиғиб олингандан сўнг қолган пояларидан пичан ва силос бостириш учун фойдаланиш мумкин.

13.Помидор

Бу ўсимлик сабзаётлар ичида энг кўп экилади ва кўп истеъмол қилинади. Пишган меваси таркибида оксил 0,90-

0,95%, углевод 2-6%, мойлар 0,2-2,3%, турли витаминлар В, А, С, Р, РР, К ва бошқалар бўлади. Помидорни янгилигича тузлаб, сиркалаб, консервалаб, қайта ишлаб истеъмол қилинади. Бир гектардан 450-500 ц ҳосил йиғиб олиш мумкин.

Келиб чиқиш ватани Жанубий Америка, Европада помидор озиқ-овқат учун XIX аср ўрталарида экила бошланган. Бизда эса XIX аср охирларида рус ва татарлар томонидан помидор уруғлари келтирилган.

14.Карам

Карам энг кўп тарқалган ўсимликлардан бўлиб, сабзавот экинлари умумий майдонининг асосий қисмини ташкил этади. Карам таркибида инсон организми учун зарур бўлган минерал моддалар, органик кислоталар, оксил, шакар ва витаминлар, айниқса, витамин С бўлади. У ҳайвонлар учун ҳам озуқа ҳисобланади. Карамни хўл холида, консервалар, қуритилган ва тўғридан-тўғри пишириб истеъмол қилинади. Келиб чиқиш ватани Ўрта Ер денгизи бўйлари ҳисобланади.

15.Пиёз

Пиёз, озиқ-овқат саноати ва уй-рўзғорда энг кўп ишлатиладиган сабзавотлар турига киради. Пиёз инсонлар томонидан хуш кўриб истеъмол қилинадиган сабзавотдир, чунки таркибида қанд, азотли моддалар, инсон соғлиги учун зарур бўлган С витамини сақланади. Пиёз таркибидаги моддалар тиш милкларини цинга касаллигидан асрайди.

16.Картошка

Картошка Ер шарида энг муҳим озиқ-овқат экинларидан бири ҳисобланади. Озиқ-овқат экини сифатида буғдой, шоли ва маккажўхоридан кейинги ўринда туради.

Картошқадан ер шарида 200 дан зиёд турли хил озиқ-овқат тайёрланади. Картошка турли хил тарзда истеъмол қилинади.

Китоб (янги журнал, газета) тақдими

АРМ, АКМ ва кутубхоналарда “2009 йил – Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили” муносабати билан нашрдан чиққан китоб (бадий, мемуар ва ҳоказо асарлар) журнал ва газеталарнинг тақдимотини ўтказиш мумкин.

Тақдимот китобхонларни янги чиққан нашр билан таништиради, унинг афзалликларини намойиш этади. Тақдимотда нашриёт ходимлари, муаллиф, рассом ва шу нашрга тааллуқли бўлган бошқа шахслар (жумладан, асарнинг прототиплари, китобда тасвирланган воқеаларнинг иштирокчилари) қатнашадилар.

Китоб тақдимотида тақдимотнинг мавзусига доир китоб кўргазмаси ташкил этилади, асар муаллифининг дастхати туширилган нашрнинг сотуви ҳамда тегишли даврий нашрга обуна ташкил этилади.

Журналлар бўйича ўтказиладиган конференциялар

Кутубхоналарда жойларда нашрдан чиққан қишлоқ ҳаётига доир журналлар бўйича конференцияларни ташкил этиш мумкин. Журналлар бўйича ўтказиладиган конференцияларнинг мақсади китобхонлар журналнинг бир йиллик мазмунини муҳокама қилишлари, танқидий ва ижобий баҳо беришлари, журналнинг хусусияти, структураси, йўналиши ҳақида фикр-мулоҳазаларини билдиришларини ташкил этишдан иборат.

Конференцияга журнал ходимлари таклиф этилади. Улар журналнинг мазмуни, тайёрлаш жараёни ва бошқа жиҳатлари ҳақида тўхталиб ўтадилар.

Журнал ходимлари китобхонларни ушбу йил муносабати билан журналда қандай материалларни чоп этганлари ва нималарни режа қилаётганлари ҳақида хабардор этадилар.

“Қишлоқ истиқболи – юрт истиқболи” номли китоб кўргазмасини ташкил этиш учун материаллар

1. Келажакка интилган халқнинг йўли оидин бўлади

Ушбу бўлимга қишлоқ хўжалигига доир Ўзбекистон Республикасининг расмий материаллари жойлаштирилади.

2. Деҳқончилик тараққиёти – фаровонлик манбаи

Бу бўлимда қишлоқ хўжалигига оид дарсликлар, ўқув қўлланмалари жойлаштирилади.

3. Обод гўшалар

Мазкур бўлимга “2009 йил – Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили” муносабати билан газета ва журналларда эълон қилинган материаллар жойлаштирилади.

АРМ, АКМ ва кутубхоналарда ўтказиш мумкин бўлган тадбирлар туркуми

Давра суҳбати

1. “Ерни боқсанг”
2. “Дехқон ерни яшнатар ”
3. “Ҳаётий дастур”
4. “Барча имконият кўлимизда” мавзуларида

Учрашув кечаси

1. “Элни ер боқади”
2. “Фаровонлик ва файзу барака омили”
3. “Ҳар қаричи муқаддас маскан”
4. “Сархил мева – дастурхон кўрки” мавзуларида

Савол-жавоб кечаси

1. “Фаровонлик ўзимизга боғлиқ”
2. “Фермерлик ривожини тараққиёт омили”
3. “Тараққиёт ва фаровонлик сари”
4. “Тараққиёт – фаровонлик омили” мавзуларида

Китобхонлар конференцияси

1. “Қишлоғим азиз масканим”
2. “Қишлоғимиз тарихини биласизми?”
3. “Ўтмишингни ўйлайман бир зум”
4. “Истиқлолдан нур олган маскан” мавзуларида

Адабиётлар

Ватанимизнинг босқичма-босқич ва барқарор ривожланишини таъминлаш – бизнинг олий мақсадимиз: Президент Ислом Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 16 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузаси //Халқ сўзи.-2008.-6 дек.

Дехкон хўжалиги тўғрисида: Ўзбекистон Республикасининг Қонуни //Халқ сўзи.-1998.-6 июнь.

2004-2006 йилларда фермер хўжаликларини ривожлантириш концепцияси тўғрисида: Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2003 йил 27 октябрь Фармони //Халқ сўзи.-2003.-28 окт.

2005-2007 йилларда фермер хўжаликларини жадал ривожлантиришга қаратилган таклифлар тайёрлаш бўйича махсус комиссия тузиш тўғрисида: Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2004 йил 4 ноябрь Фармойиши //Солиқ тўловчининг журнали.-2004.-№11.-Б.14-15; Ўзбекистон Республикаси молиявий қонунлари.-2004.-№16.-Б.61-63.

2007 йилда қишлоқ хўжалиги корхоналарини фермер хўжаликларига айлантириш чора-тадбирлари тўғрисида: Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 21 ноябрь ПҚ №-514 Қарори //Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўплами.-2006.-№ 46-47.-Б.13-14; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг ахборотномаси.-2006.-№11.-Б.69-71.

2006 йилда қишлоқ хўжалиги кооперативлари (ширкатлари)ни фермер хўжаликларига айлантириш чора-тадбирлари тўғрисида: Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 8 ноябрь №-215 Қарори //Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўплами.-2005.-№45.-Б.11-12.

Шахсий ёрдамчи, деҳкон ва фермер хўжаликларида чорва моллар кўпайтиришни кучайтириш ҳамда чорвачилик маҳсулотлари ишлаб чиқаришни кенгайтириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида: Ўзбекистон Республикаси

Президентининг 2008 йил 21 апрель №-842 Қарори //Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами.-2008.-№17.-Б.29-31.

Фермерларни қишлоқ хўжалиги техникаси билан таъминлашни Давлат томонидан қўллаб-қувватлашга йўналтирилаётган маблағлардан фойдаланишни янада тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида: Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2007 йил 8 май №94 қарори //Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами.-2007.-№19-20.-Б.12.

Абдурахмонов Т. Қишлоқ хўжалиги асосларидан амалий машғулотлар: Қишлоқ хўжалиги техникумлари ўқувчилари учун ўқув қўлл.-Т.: Ўқитувчи, 1984.-221 б.

Аҳмедов Ф. Қишлоқ аҳолисининг талаб ва эҳтиёжларини ўрганиш.-Т.: Меҳнат, 1989.-176 б.

Ашуоров Р.А. Қишлоқ мактаблари шароитида эстетик тарбия: Умумтаълим мактаб ўқитувчилари учун қўлл.-Т.: Ўқитувчи, 1985.-165 б.

Ёрматова Д. Қишлоқ хўжалик асослари: Ўрта махсус касб-хунар коллежларининг қишлоқ хўжалиги йўналиши бўйича таълим олаётган талабалар учун дарслик /Ўрта махсус касб-хунар таълими маркази; Ўрта махсус касб-хунар таълимини ривожлантириш ин-ти.-Т.: Ўзбекистон, 2002.-304 б.

Жўраев А. Қишлоқ ва ижтимоий ҳаёт.-Т.: Меҳнат, 1992.-136 б.

Мансуров С.М. Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариш иқтисодиёти /Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Ўрта махсус касб-хунар таълими маркази.-Т.: Ўзинкомцентр, 2002.-148 б.

Мажидова Н.Қишлоқ. Ўзбекистон миллий энциклопедияси. Қизилқумит-Хўрмуд. 11-жилд /А.Азизов, Б.Алимов, М.Аминов ва бошқ., 2005.-Б. 26-27.

Мажидова Н.Қишлоқ аҳолиси. Ўзбекистон миллий энциклопедияси. Қизилқумит-Хўрмуд. 11-жилд /А.Азизов, Б.Алимов, М.Аминов ва бошқ., 2005.-Б. 27.

Худойбердиев А. Қишлоқ дафтарида кўчирганларим: Шеърлар.-Самарқанд: Зарафшон, 2002.-16 б.

Хусанов О. Қишлоққа саёҳат: Ҳикоялар, қисса.-Т.: Ёш гвардия, 1988.-128 б.

Шамсутдинов Р. Қишлоқ фожеаси: Жамоалаштириш, қулоқлаштириш, сургун: Ўрта Осиё республикалари мисолида /Шаҳидлар хотираси хайрия жамғармаси, “Мерос” халқаро илмий-амалий экспедиция хайрия жамғармаси.-Т.: Шарқ, 2003.-542 б.

Ўктамов Ж. Аср бошидаги синов.-Т.: Истиклол, 2004.-224 б.

Қишлоқ хўжалиги иқтисодиёти атамаларининг русча-ўзбекча луғати /Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги ФА. қишлоқ хўжалиги иқтисодиёти илмий-тадқиқот институти.-Т.: Ёзувчи, 1994.-62 б.

Қишлоқ хўжалик кооперативлари: Саволлар ва жавоблар /Масъул муҳаррир: Х.Р.Раҳмонкулов.-Т.: Адолат, 1994.-96 б.

Ҳикмат И. Қишлоқ соғинчи: Шеърлар /Масъул муҳаррир Д.Ражабов.-Т.: Абдулла Қодирий ном. халқ мероси нашриёти, 1998.-40 б.

Айбегов Х., Мамадалиев А. Қишлоқ хўжалигидаги иқтисодий ислохотлар талаб даражасида бўлсин //Ўзбекистон иқтисодий ахборотномаси.-2004.-№5-6.-Б.18.

Алиев Ғ. Деҳқон хўжаликлари муаммо ва ечим //Ҳуқуқ ва бурч.-2006.-№3.-Б.26-27.

Бетимсол ютуқларимизнинг ҳуқуқий асоси //Ўзбекистон адабиёти ва санъати //Халқ сўзи.-2008.-6 дек.

Зоҳидов Ғ. Қишлоқ хўжалигида таркибий ўзгаришларни амалга оширишнинг асосий йўналишлари //Иқтисодиёт ва таълим.-2004.-№2.-Б.18-22.

Иванова А. Янги агротехникалар ривожланишга ёрдам беради //Халқ сўзи.-2007.-19 янв.

Кушакаев Б. Қишлоқ обод – юрт обод //Qishloq hayoti.-2008.-12 дек.

Маҳмудова С. Қадрдон далалар, меҳрибон дўстлар //Ўзбекистон адабиёти ва санъати.-2009.-31 дек.

Тўрақулов Қ. Эртанги кунга ишонч билан // Моҳият.-2008.-19 дек.

Узоқов Ю. Меҳнат қилган роҳат кўради //Ўзбекистон овози.-2007.-24 май.

Холманова З. Тилни билдим – элни билдим: “Бобурнома”даги айрим сўзларнинг тарихий-этимологик таҳлили //Ўзбекистон адабиёти ва санъати.-2009.-16 янв.

Шарафиддинов Р. Ҳаммаси меҳнатимизга боғлиқ //Моҳият.-2008.-26 дек.

Ўтбосаров И. Харажат кам, натижа эса юқори //Халқ сўзи.-2004.-2 дек.

Қишлоқ тараққиёт топса, мамлакат обод бўлади //Жамият.-2008.-19 дек.

Қулмуродов А. Пировард мақсад – эл маъмурлиги //Qishloq hayoti.-2008.-12 дек.

Ҳайдаров Ҳ. Бойistonлик миришкор //XXI аср.-2008.-19 июнь.

Ҳамроев О. Кеча ва бугун //Қишлоқ ҳаёти.-2005.-9 сент.

ТАРАҚҚИЁТ ВА ФАРОВОНЛИК САРИ

Методик-библиографик қўлланма

Босишга 27.04.2009 йилда рухсат этилди.
Бичими 84x108 1/32. Ҳажми 1.3 б.т. Нусхаси 300.
Буюртма № 168

Алишер Навоий номидаги
Ўзбекистон Миллий кутубхонаси босмахонаси.
Тошкент, Истиклол кўчаси, 33.